



## CENTRAL ASIA AND THE UN: CREATION OF A NUCLEAR-WEAPON-FREE ZONE IN THE REGION

*Oybek Abdimuminov*

*Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences, Associate Professor, Research Fellow Scientific and Educational Monument Complex named after the First President of Uzbekistan Islam Karimov under the President of the Republic of Uzbekistan Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asian region, UN, nuclear-weapon-free zone, peace and security, regional stability, bilateral and multilateral cooperation.

**Received:** 17.12.24

**Accepted:** 19.12.24

**Published:** 21.12.24

**Abstract:** The Central Asian region has historically occupied an important place in the world political arena and in international relations. Favorable geographical position, rich natural resources, beautiful oases, high intellectual potential have served to further enhance the prestige of the region. In this regard, the Central Asian region is still important in modern international relations and global world politics. Strengthening regional security and stability in Central Asia is one of the important issues. In this regard, this article describes the bilateral and multilateral cooperation between the Central Asian countries and the UN in creating a nuclear-weapon-free zone in the region.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА БМТ: МИНТАҚАДА ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ХУДУД ЯРАТИШ

*Ойбек Абдимўминов*

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, илмий ходим*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё минтақаси, БМТ, ядро қуролидан холи ҳудуд, тинчлик ва хавфсизлик, минтақавий барқарорлик, ўзаро икки ва кўптомонлама ҳамкорлик.

**Аннотация:** Марказий Осиё минтақаси тарихан жаҳон сиёсий майдонида ва халқаро муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган. қулай географик жойлашув, бой табиий ресурслар, серуним воҳалар, юксак интелектуал салоҳият минтақанинг

нуфузини янада оширишга хизмат қилган. Шу жиҳатдан бугунги кунда ҳам замонавий халқаро муносабатлар ва глобал дунё сиёсатида Марказий Осиё минтақаси муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий Осиё да минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш муҳим масалалардан бирибидир. Шу жиҳатдан мазкур мақолада, Марказий Осиё мамлакатларининг БМТ билан минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш борасидаги ўзаро икки ва кўптомонлама ҳамкорлиги ёритиб берилган.

## ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ И ООН: СОЗДАНИЕ В РЕГИОНЕ ЗОНЫ, СВОБОДНОЙ ЯДЕРНОГО ОРУЖИЯ

*Абдимуминов Ойбек Бектемирович*

*PhD, доцент, научный сотрудник*

*Научно-просветительский мемориальный комплекс имени Первого Президента Узбекистана Ислама Каримова при Президенте Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Центрально-азиатский регион, ООН, зона, свободная от ядерного оружия, мир и безопасность, региональная стабильность, двустороннее и многостороннее сотрудничество.

**Аннотация:** Центральноазиатский регион исторически занимал важное место на мировой политической арене и в международных отношениях. Выгодно географическое положение, богатые природные ресурсы, красивые оазисы, высокий интеллектуальный потенциал послужили дальнейшему повышению престижа региона. В этом отношении и сегодня регион Центральной Азии важен в современных международных отношениях и в глобальной мировой политике. Укрепление региональной безопасности и стабильности в Центральной Азии является одним из важных вопросов. В связи с этим в данной статье описывается двустороннее и многостороннее сотрудничество между странами Центральной Азии и ООН в создании зоны, свободной от ядерного оружия, в регионе.

### Кириш

Марказий Осиё мамлакатларининг БМТ билан ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши бу – Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббусидир.

Дунёда ядро қуролидан холи ҳудудлар бутун ер юзининг 70%ни ташкил этади ва бу бўйича жаҳон миқёсида 6 та ядро қуролидан холи ҳудудлар тўғрисида шартнома

имзоланган. 2024 йил ҳолатига кўра тўққизта давлат: АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Исроил ва Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР ёки Шимолий Корея) ядровий клуб аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари, АҚШ ядро қуролилари НАТОга аъзо бўлган бир қанча давлатлар (Германия, Италия, Туркия, Белгия, Голландия, Канада) ва бошқа иттифоқчилар ҳудудида жойлашган.

Стокгольм халқаро тинчлик тадқиқот институти (*Stockholm International Peace Research Institute - SIPRI*) маълумотларига кўра, 2024 йилда юқоридаги тўққизта давлатлар биргаликда 12121 та ядровий қуролга эга бўлиб, улардан 9585 тасидан [16;271] потенциал фойдаланиш мумкин деб ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақаси атрофида Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон (айрим манбаларга кўра Эрон) каби ядро қуролига эга бўлган йирик акторлар жойлашган. Улардан иккитаси Россия ва Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий ҳамда уларнинг барчаси ШХТ аъзолари ҳисобланади. Ушбу давлатлар сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан улкан салоҳиятга эга бўлиб, глобал дунё сиёсатида муҳим роль ўйнайди. Марказий Осиё минтақасида СССР даврида ядро полигонлари, айрим ҳудудларда ядро чиқиндилари кўмилган жойлар ҳам мавжуд эди. Масалан, Қозоғистоннинг Семипалатинск тажриба ядро синов полигони 1949-1989 йилларда фаолият олиб борган ва “бу ерда 1949 йил 29 августда СССРнинг дастлабки ядро қуроли синовлари” [5] ўтказилган. Бундан ташқари, Қозоғистоннинг Манғишлов вилоятидаги Сайотес (Сай-Утёс) ҳудудида ҳам ер ости ядро синовлари ўтказилган. Сирдаё ҳавзасининг Қирғизистон ҳудудида 23 та жойда ядро чиқиндилари кўмилган жойлар мавжуд [8; 18]. Семипалатинск ядро тажриба полони дунёдаги иккинчи йирик полигон эди. СССР парчаланганидан сўнг ушбу полигон энг йирик ядровий арсеналга айланди. Минтақанинг ёш ва энди мустақил бўлган мамлакатлари учун ўзига хос муаммолари тизимли вужудга келтириши мумкин эди.

Марказий Осиёнинг айрим давлатларидаги ядро полонлари, ядро чиқиндилари билан бирга, Тожикистон ва қўшни Афғонистондаги нотинч вазият, минтақадаги диний экстремизм ва терроризм муаммоси ва бошқа омиллар минтақада ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш заруриятини юзага келтирди.

### **Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш ташаббуслари**

Марказий Осиёда ядродан ҳоли ҳудуд яратиш ғояси 1990 йиллар бошида, СССР парчаланиб кетганидан сўнг, минтақа давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг пайдо бўлган. 1991 йилда Қозоғистон СССР таркибида ўз ҳудудида жойлашган ядро қуролидан воз кечиш қарорини эълон қилди. Ундан кейин Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон буни амалга оширди. Туркменистон ҳеч қачон ядро қуролига эга бўлмаган.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Н. Назарбоев 1992 йил 5 октябрда БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаб, Семипалатинск ядро тажриба палатининг ёпилгани бироқ, бу ҳудуд ва унинг атрофида кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш, жабрланганларни даволаш, туғиладиган чақалоқларни ҳимоя қилиш борасида халқаро молиявий ёрдам [10;39] халқаро ҳамжамият кўмаги зарур эканлигини таъкидлади. Бироқ, Қозоғистоннинг Биринчи раҳбари масалага минтақавий ва глобал даражада, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш нуқтаи назаридан ёндашмади.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш ғояси илк бор Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган [6;55]. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини минтақадаги Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон республикалари ҳам қўллаб-қувватлади. Бу борадаги дастлабки амалий қадамлардан бири Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг 1997 йил 28 сентябрда Олмаота шаҳрида имзоланган кўшма баёноти ва “Олмаота Декларация”сида намоён бўлди.

Олмаота Декларацияси 1997 йил 14 мартда БМТ Бош котибига тақдим этилди ҳамда ташкилот Бош Ассамблеясининг А52/122-рақамли расмий ҳужжати [15] сифатида эълон қилинди ва тарқатилди. Ушбу Декларацияси Марказий Осиё бешта давлатининг минтақани ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш масаласи бўйича сиёсий бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида баҳоланди [9;46].

1997 йил 14-16 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарлари ва халқаро экспертлар иштирокидаги “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилди [14;137]. Ушбу конференциянинг амалий якуни сифатида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан “Ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақида Баёноти” қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг халқаро эътирофи сифатида 1997 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисида” 52/38-сонли резолюциясини [20] қабул қилди. Мазкур конференция ишини халқаро ҳамжамият катта қизиқиш билан кузатиб борди ҳамда минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини ва бу борадаги амалий қадамларни кўпгина давлатлар расмий нашрлари ёритиб борди [7;55-57].

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ниҳоятда долзарб ва аҳамиятли, жаҳон ҳамда минтақа хавфсизлигини кафолатлайдиган барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамловчи омиллардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё минтақасида

ядро хом-ашёси салоҳиятига кўра дунёдаги мавжуд ядро хомашёсининг 40% жойлашганлиги, бу ерга айрим давлатлар ва террорчилик ташкилотлари, гуруҳларининг кизиқишини орттиради, уларининг минтақага кириб келиши ҳамда турли таҳдидларни амалга ошириш эҳтимолини кафолатламайди. Шу боисдан ҳам мазкур ҳудудни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш борасидаги тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалалар юзасидан 1997-2002 йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари ва БМТ, 16 та халқаро ташкилотлар ҳамда БМТнинг Халқаро Атом агентлиги МАГАТЭ иштирокида минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартномани тузишга доир қатор амалий учрашувлар ташкил этилди. Жумладан, 1998 йил июль ойида Бишкекда, 1998 йил 7-9 октябрда Женевада [7;45-79], 1999 йил 13 февралда Тошкентда, 1999 йил 27-30 апрел кунлари Женевада, 1999 йил 5-8 октябрда Саппорода, 2000 йил 2-5 апрелда яна Саппорода ва 2002 йил 25-27 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида турли амалий учрашувлар ташкил этилди [4;133].

Мазкур учрашувларда иштирокчиларнинг бу масала бўйича хамфикрлиги билан бир қаторда айрим қарама-қарши фикрлар ва мунозарали вазиятлар ҳам юзага келди. Масала юзасидан мунозалар 2002 йилдан 2005 йилгача давом этди ва 2005 йил 7-9 феврал кунлари Тошкент шаҳрида БМТ раҳбарлигида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича экспертлар гуруҳининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди [1;119]. Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари билан бир қаторда БМТнинг етакчи экспертлари иштирок этдилар. Тошкент учрашувининг энг катта ютуғи барча манфаатдор томонлар мазкур масала бўйича умумий бир фикрга келдилар.

Шундан сўнг 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёдаги беш давлатларнинг ташқи сиёсати идоралари вакиллари томонидан “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида”ги [3] шартнома имзоланди ва у халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланди. Ушбу шартнома 2006 йилнинг 6 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 61-63-сессияларида “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд” махсус резолюцияси [21] орқали 141 овоз билан қабул қилинди. 2009 йилнинг 21 мартдан бошлаб эса ушбу шартнома тўлиқ кучга кирди [22] ва Марказий Осиё расман ядро қуролидан холи ҳудуд мақомига эга бўлди. Ушбу шартноманинг кучга кириши билан Марказий Осиё ҳудуди ер сайёрасининг Шимолий яримшарида ядро арсеналларини жойлаштириш тақиқланган ягона минтақага айланди.

Шундан сўнг, 2014 йил 6 майда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бешта аъзоси Кафолатлар тўғрисидаги протоколни [19] имзоладилар. АҚШ эса уни ҳалигача

(2024 йил ҳолати) ратификация қилмади. Ушбу протоколнинг АҚШ томонидан тасдиқланиши ҳам муҳим аҳамиятга эгдир. Чунки, АҚШ БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, шунингдек, жаҳон сиёсатида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган йирик актор ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2023 йил 19 сентябри куни Нью Йоркда бўлиб ўтган “Марказий Осиё – АҚШ”<sup>\*</sup> давлат раҳбарлари саммитида АҚШ Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги протоколни ратификация қилиши муҳимлигини қайд этди. Таъкидлаш керакки, ушбу проктолнинг АҚШ томонидан ратификация қилиниши Марказий Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи мақомини институционализация қилиш жараёнини тўлиқ яқунлаш имконини яратади. Мазкур шартноманинг АҚШ томонидан ратификация қилиниши масаласи бизнингча, “С5+1” формати доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу формат Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ўртасидаги очиқ ва конструктив мулоқот, барча соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим майдонга айланган халқаро ҳамкорлик механизмларидан биридир.

Ушбу шартномага асосан, Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи ҳудуд Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикасини таркибига олади. Ушбу Республикалар ўз ҳудудида ҳеч қандай шаклда ёки бирон бир жойда ядро қуроли ёки бошқа ядровий портловчи қурилмани тадқиқ қилмаслик, ишлаб чиқиш, заҳиралаш, сотиб олиш, эгалик ёки назорат қилиш, ушбу масалаларни рағбатлантирмаслик каби мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар. Бироқ, Семипалатинск шартномасининг 7-моддасига биноан “Ушбу Шартноманинг ҳеч бир қоидаси Томонларнинг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқларига путур етказмайди” [2;2-3]. Демак Марказий Осиё мамлакатлари атом энергетикасидан тинч мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. 2024 йил ҳолатига кўра ушбу шартномага асосан Марказий Осиё минтақаси жаҳондаги энг сўнги ташкил топган ядро қуролидан холи ҳудуддир.

Ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан халқаро шартнома асосида расмийлаштириш мураккаб, узоқ давом этадиган жараён дир. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги жараёнга Марказий Осиёнинг барча бешта давлатлари, ядровий кучларга эга мамлакатлар дипломатик вакиллари ҳамда БМТ вакилларининг узоқ муддатли меҳнати самараси бўлди.

<sup>\*</sup> “С5+1” формати 2015 йил АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари Ташқи ишлар вазирлари доирасида Самарқандда ташкил этилган бўлиб, илк маротаба 2023 йил давлат раҳбарлари даражасида олий даражада ташкил этилди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш шартномасининг асосид минтақа давлатлари ўз ҳудудларида ядро қуролини ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармаслик, синовдан ўтказмаслик ва жойлаштирмаслик мажбуриятини олди. Марказий Осиё давлатлари ўз ҳудудларида бошқа давлатларнинг ядро қуролини жойлаштирмаслик мажбуриятини олган. Марказий Осиё давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик режимини қўллаб-қувватлашга ва Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани қўллаб-қувватлашга ваъда беришди. Марказий Осиёдаги ядросиз ҳуҳудининг яратилиши минтақадаги хавфсизликни оширди ва ядровий можаро хавфини камайтирди. ядро қуролини тарқатмаслик режимини тарғиб қилади ва минтақада ядро қуроли тарқалишининг олдини олади, Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақавий ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилади.

Минтақада ядро қуролининг йўқлиги ядро уруши, террористик ҳужумлар ва тасодифий ҳодисалар хавфини камайтиради. Ядро синовларини чеклаш ёки бутунлай йўқ қилиш ва ядровий чиқиндиларни утилизация қилиш минтақадаги экологик вазиятни яхшилади. Ядро қуролидан ҳоли ҳудудни яратиш минтақа мамлакатлари ва бошқа давлатлар билан ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу иқтисодиёт, хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга олиб келиши мумкин.

Бироқ минтақада ва минтақа атрофида содир бўлиши мумкин бўлган сиёсий беқарорлик, Афғонистондаги можаро бу Марказий Осиё давлати учун хавфсизликка таҳдид солиши мумкин. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари минтақада хавфсизликни тўлиқ таъминлаш учун етарли ресурсларга эга эмас, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд келишувига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Ядросиз ҳудуд яратиш бўйича келишувга эришиш учун минтақадаги барча давлатларнинг консенсуси талаб қилинади. Ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш минтақадаги таъсирини йўқотишдан қўрққан йирик давлатлар қаршилигига дуч келиши мумкин. Ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратилган тақдирда ҳам, минтақа ядро қуролига эга давлатлар таҳдидларига нисбатан заиф бўлиб қолиши мумкин.

Кейинги сиёсий жараёнларда жаҳонда бундай ҳудудлар яратиш бўйича таклиф ва ташаббуслар амалга оширилмади. Бироқ Ўзбекистон ядро қуролидан ҳоли ҳудудлар қўламини изчил кенгайтириш тарафдори. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йил 18 октябрда Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон ядро қуролидан ҳоли

худудлар кўламини изчил кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаган ҳолди ва Яқин Шарқда ҳам ядро қуролидан холи худудни ташкил этиш ғоясини кўллаб-қувватлашини билдирди [13]. Шунингдек, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2023 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида ядро қуролидан холи худуд яратиш ташаббусини илгари сурди. Қозоғистон Президенти ядро қуролидан холи дунё яратиш учун ядровий кучлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик мавжуд бўлгандагина глобал барқарорликни таъминлаш мумкинлигини, Қозоғистон ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага қатъий риоя қилишини, 2045 йилгача ядро қуролидан бутунлай воз кечиш бўйича стратегик режа глобал хавфсизликни таъминлашдаги энг муҳим ҳисса [11] бўлиши қайд этди.

### Хулоса

Глобаллашув жараёнлари тобора ривожланиб, дунёнинг турли минтақаларида ўзаро низолар, ўзаро қарама-қаршиликлар, сиёсий ва диний ихтилофлар кўпайиб, “янги совуқ уруши” тенденциялари юзага келаётган бир даврда жаҳоннинг айрим минтақаларида ядро қуролидан холи худудларни яратиш муҳим ва долзаб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда Араб мамлакатлари ва Яқин Шарқ муаммолари, Корея ярим оролидаги низолар бунинг яққол исботидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2021 йилда Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари ядро қуролидан холи худуд тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 15 йиллиги муносабати билан қўшма баёнот қабул қилди. Баёнотда [12] Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаси дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, Яқин Шарқ ва Корея ярим оролида ядро қуролидан холи янги худудлар ташкил этиш тарафдори экани маълум қилинди. Шунингдек, бу борадаги ишлар тизимли равишда БМТ доирасида халқаро миқёсда амалга оширилмоқда, янги ташаббус ва лойиҳалар илгари сурилмоқда. Хусусан, Қозоғистон Республикаси ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида 2023 йил «Ядровий қуроллар меросини ҳал қилиш: Ядро қуролидан фойдаланиш ёки синовдан жабрланган давлатларга жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ва атроф-муҳитни тиклаш» [17], Қирғизистон Республикаси ташаббуси билан 2022 йил “Қуролсизланиш ва ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро хабардорлик куни” [18] резолюциялари ҳам қабул қилинди.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуднинг ташкил этилиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Турли муаммоларга қарамай, худуд ядро қуролини



тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим муҳим минтқалардан бир бўлиб қолмоқда.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Адилходжаева С. Создание в Центральной Азии зоны, свободной от ядерного оружия, – шаг к глобальной ядерной безопасности // Сравнительная политика. № 2(23) 2016.
2. Договор “О зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии”. Семипалатинск. 2006. Собрание международных договоров Республики Узбекистан, 2009 г., № 2-3.
3. Договор о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии. (8 сентября 2006 г., Семипалатинск, Казахстан) // <http://www.pircenter.org/media/content/files/9/13522833820.pdf> (25.06.2017)
4. Ибрагимов Б. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд барпо этиш бўйича ташаббуси // Sharqshunoslik. 2014. № 2.
5. Испытания ядерных бомб в СССР. Наследие современной России // [https://www.gazeta.ru/infographics/ispytaniya\\_yadernyh\\_bomb\\_v\\_sssr\\_nasledie\\_sovremennoi\\_rossii.shtml](https://www.gazeta.ru/infographics/ispytaniya_yadernyh_bomb_v_sssr_nasledie_sovremennoi_rossii.shtml)
6. Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.
7. Касымов А., Неклесса Г. Международно-правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999.
8. Комилжонов А. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратишнинг халқаро сиёсий жиҳатлари. Автореф. сиёсий фан. ном. – Тошкент: 2007.
9. Комилжонов А. Ўзбекистон ташқи сиёсатида ядровий хавфсизлик масалалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: 2007. №2.
10. Назарбаев Н. Хроника глобального диалога. Казахстан в контексте мировых тенденций. -Алматы. Раритет. 2015.
11. Президент Касым-Жомарт Токаев выступил на общих дебатах в рамках 78-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН // <https://www.akorda.kz/ru/prezident-kasym-zhomart-tokaev-vystupil-na-obshchih-debatah-v-ramkah-78-y-sessii-generalnoy-assamblei-oon-2081958>
12. Совместное заявление Министров иностранных дел государств-участников Договора о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии (ЦАЗСЯО) по случаю 15-летия подписания Договора о ЦАЗСЯО // <https://www.gov.kz/memleket/entities/mfa/press/news/details/252584?lang=ru>

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/87>

14. Filippo Costa-Buranelli. May we have a say? Central Asian states in the UN General Assembly // Journal of Eurasian Studies. 2014. № 5.

15. <http://www.un.org/documents/ga/docs/52/plenary/a52-112.htm> (26.04.2016)

16. SIPRI Yearbook 2024: Armaments, Disarmament and International Security. 2024. By Oxford University Press on behalf of the Stockholm International Peace Research Institute. 2024.

17. UN Resolution on “Addressing the legacy of nuclear weapons: providing victim assistance and environmental remediation to Member States affected by the use or testing of nuclear weapons”. Resolution A/RES/78/240 adopted by the General Assembly on 22 December 2023.

18. UN Resolution on “International Day for Disarmament and Non-Proliferation Awareness”. Resolution A/RES/77/51 adopted by the General Assembly on 7 December 2022.

19. UN Security Council Protocol to the Treaty on a Nuclear-Weapon-Free Zone in Central Asia. // [http://disarmament.un.org/treaties/t/canwzf\\_protocol](http://disarmament.un.org/treaties/t/canwzf_protocol) (09.08.2016)

20. United Nations General Assembly 52<sup>nd</sup> session`s Resolution 52/38, Establishment of a nuclear weapon-free zone in Central Asia. 1997. December 9.

21. United Nations General Assembly Session 61 Verbotim Report 67. [A/61/PV.67](#) page 29. 6 December 2006.

22. Williamc Potter, Togzhan Kassenova, Anya Loukianova. Central Asia becomes a nuclear-weapon-free-zone. // <http://cns.miss.edu/stories/081201/canwzf.htm> (14/05/2014)